Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 27-sentabr, shanba № 119 (3468)

Интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат, ҳеч шубҳасиз, ҳақли равишда бугунги ва эртанги кунга эгалик қила олади.
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 4 октябр шанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2014 йил 4 октябр дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 сентябр

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси олдидан

Тарихи афсоналарга туташ ушбу ҳудудда икки мингга яқин тарихий-меъморий обидалар, муборак қадамжолар, экотуризм, геотуризм ҳамда агротуризм ресурслари мавжуд. Қарийб уч минг йил мобайнида асрлар силсиласи, замонлар бўҳронига дош бериб келган муборак Самарқанд истиқлол боис «Абадий шаҳар» мақомига эга бўлди. Кейинги ўн йилда муаззам шаҳар қиёфаси тубдан ўзгариб, бу ерга ташриф буюрувчилар сони ўн икки баробарга ортди. Мустақиллигимизнинг илк йилларида 2-3 та меҳмонхона мавжуд бўлса, эндиликда 90 дан ортиқ отел, люкс, ўрта класс бўғиндаги меҳмонхоналар, пансионатлар сайёҳлар хизматида. Вилоятда 70 дан ортиқ сайёҳлик фирмалари фаолият юритмоқда.

ШАРҚ ГАВҲАРИ

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, ўтган йилда туристик ташкилотлар ва меҳмонхоналар томонидан 33,6 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилган. 12,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги экспорт хизматлари амалга оширилган. Йил давомида 98 минг нафардан зиёд чет эллик ҳамда 53 минг нафар юртимиз аҳли мафтункор ҳудуд саёҳатида бўлган. Охирги манбаларда қайд этилишича, вилоятда йилига ўрта ҳисобда 8-10 та сайёҳлик ташкилоти ва меҳмонхоналар фаолияти йўлга қўйилаётир.

Туризм — барқарор ривожланиш омили сифатида эътироф этилиши бежизга эмас. Соҳа тараққиёти аҳолининг турмуш даражаси ошишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига, қолаверса, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Мазкур йўналиш вакиллари Лондон, Берлин, Мадрид, Милан, Токио, Шанхай, Сеул, Москва ва бошқа бир қатор шаҳарларда ўтказилган ярмаркаларда иштирок этиб, диёримиз имкониятлари, тарихий-меъморий мерос тарғиботини олиб боришаётир. Бундан ташқари, Самарқанд туристик ташкилотлари 2012 йилдаги 18-Тошкент халқаро туризм ярмаркасида «Энг фаол иштирокчи», 19-халқаро туризм ярмаркасида «Энг зўр туристик имкониятлар» номинациялари ғолиблигини қўлга киритган. Жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатидаги соҳа вакиллари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилиб, саёҳатлар ташкил этилаётир.

Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва имтиёзлар боис меҳмонхоналар индустрияси ривожланмоқда. Кейинги тўрт йилда хориждан ўта замонавий 30 дан зиёд туристик классдаги автобуслар сотиб олинди. Бу сайёҳларга юқори даражадаги транспорт хизматини кўрсатиш имконини бермоқда.

— «Туризм тўғрисида»ги Қонун ва соҳага доир қабул қилинган ҳукумат қарорлари асосида вилоятимизда 2016 йилгача туризмни ривожлантиришнинг манзилли дастури ишлаб чиқилган, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд бўлими бошқарувчиси Илҳом Суванов. — Соҳада хизмат турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, янги имкониятларни ишга тушириш, туризмнинг экологик, соғломлаштириш, агро ва фаол турларини тараққий этиришга киришилган. Дастурда сайёҳлик мавсуми суст бўлган мавсумларда «Самарқанд нонлари», «Самарқанд ҳунармандлари», «Миллий таомлар», «Шарқ ширинликлари» каби танлов ва кўргазмалар, «Қовун сайли», «Миллий фолклор гуруҳлари» фестивали каби азалий анъаналар орқали сайёҳлар эътиборини тортиш тадбирлари кўрилаётир.

(Давоми 4-саҳифада).

Танишув амалиёти

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бири. Бу ерда ҳар йили Бухоро, Муборак, Қарши, Косон, Қорақум ва бошқа бир қатор саноат касб-ҳунар коллежларида ўқийдиган ёшлар амалиёт ўташади. Зеҳни ўткир, зукко ва меҳнатсевар битирувчилар биринчи навбатда ишга қабул қилинади. Хусусан, жорий йилда 62 нафар амалиётчига корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан энг кам иш ҳақининг 20 ва 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилди, уларнинг аксарияти ишли бўлди.



КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

— Корхона бошлиғи Шермат Шамсиев ва касабақўм етакчиси Шароф Раҳматовнинг саъй-ҳаракати билан корхонада ёшлар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича яхши анъаналар шаклланган, — дейди Помуқ газ кони ҳамда Помуқ сиқув компрессор станцияси цех касаба уюшма қўмитаси раиси Омон ака Охунов. — Амалиёт ўташ учун келган ҳар бир коллеж ўқувчиси махсус кийимбош, уч маҳал бепул овқат билан таъминланади. Касаба уюшма қўмитасининг ёшлар билан ишлаш комиссияси, жисмоний тарбия ва спорт ишлари, маданий-маърифий ишлар бўйича махсус комиссиялари амалиёт ўтаётган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этяпти. Ишчилар шаҳарчасида ишлаш ва дам олиш учун қулай шароит яратилган.

Помуқ газ кони ва сиқув-компрессор станциясида Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежидан 41 нафар, Муборак саноат коллежидан 21, Қарши ва Қорақумдаги ўрта махсус таълим муассасасидан 45 нафар битирувчи амалиётда бўлди. Уларнинг 50 нафарга яқини газ кони ва станцияда иш бошлагани қувонарлидир. Ёшларнинг ўз мутахассислигини чуқур эгаллашга бўлган интилиши, уларнинг кўзидаги иштиёқ ўти биз устозларни хурсанд этмоқда.

Жумладан, автоматика воситалари ва назорат-ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техниги Юсуфжон Одилов, нефт ва газ конлари машина механизмлари мутахассиси бўлиб ишлаётган Учқун ва Аббос Сайфуллаев каби зеҳнли ёшлар тез орада ўз соҳасининг моҳир устасига айланишади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Дарсларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ноанъанавий усулда олиб бориш ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширади. Бухоро шаҳридаги 38-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Нозима Икромова ўз ишига шундай ёндашади.

Н.Икромова дарс жараёнида кўргазмали воситалар, интерфаол усуллар, зарур ўқув жиҳозлари ва адабиётлардан фойдаланиб, ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлаш учун турли рангдаги янги сўзлар ёзилган карточкалар, инглиз тилига оид қизиқарли саволжавоблар ташкил қилади.

Суратда: инглиз тили ўқитувчиси Нозима Икромова ўқувчилар билан дарс пайтида.
ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Жиззах вилояти ҳудудидан ўтган Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш, йўл бўйида замонавий транспорт-коммуникация иншоотлари, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари барпо этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳайдовчи ва йўловчиларга қўшимча қулайлик яратмоқда.

Автомагистралнинг Пахтакор тумани ҳудудидан ўтган қисмида иш бошлаган 300 овқатланиш ўрнига эга «Самарқанд» савдо мажмуаси аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. «Чашма томчи» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган иншоотда ҳайдовчи ва йўловчилар учун барча шароитлар яратилган. Ёқилғи қуйиш, техник хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари туну кун ишлаб турибди. Ушбу мажмуа Тошкент — Самарқанд шаҳарлари оралиғидаги энг кўркам дам олиш маскани деб эътироф этилаётир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралининг вилоят ҳудудидан ўтган қисмида йигирмадан зиёд ана шундай иншоотлар қурилди. Йўлларнинг обод этилиши билан бирга, қишлоқ жойлари инфратузилмаси ҳам ривожланмоқда.

ЎзА

Маҳалла обод — юрт обод

Истиқлол туфайли аждодларимиз даҳосига бўлган ҳурмат-эҳтиром, агар таъбир жоиз бўлса, қайтадан гул очиб, бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Турли анжуманлар сабаб ёхуд сайёҳлик иштиёқи туфайли юртимизга ташриф буюрган хорижликлар ўзимизга хос ва ўзимизга мос ҳаёт тарзимизга ҳайрат ва ҳавас билан қараётганликлари бежиз эмас. Хусусан, демократиянинг ноёб кўриниши, дея талқин этилаётган маҳалла институтига қизиқиш тобора ортмоқда ва эътироф этишимиз лозимки, айнан маҳаллада амалга оширилаётган ишлар жамият тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ҳамжиҳатликда гап кўп

Бемалол айтишим мумкинки, бизнинг «Сарикўл» маҳалламиз ҳам сўнгги пайтда тобора чирой очмоқда. 1100 та хусусий хонадон ва 15 та кўп қаватли уйларда 4142 нафар аҳоли истиқомат қиладиган фуқаролар йиғинимизда йил бошидан буён ҳомийлар ёрдамида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Айниқса, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарларида кўп миллатли маҳалладошларимизнинг ҳамжиҳатлик билан иштирок этгани ўз натижасини берди. Кўчалар, йўл ва йўлаклар саришталанди, 4 та болалар майдончаси таъмирланди.

Айни пайтда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Ушбу тадбир Абдуфаттоҳ Асалхўжаев раислик қилаётган «Пегас-коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида, айниқса, намунали йўлга қўйилган бўлиб, мазкур ширкатга қарашли 37-, 43/1-, 43/2-кўп қаватли уйларнинг томи, ертўласи, йўлаклари, иситиш тармоқлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Фидойилар кўчасидаги 19-кўп қаватли турар-жой биносининг том қисми юмшоқ қопламали полизол билан қайтадан ёпилди. Банкдан олинган 25 миллион сўм кредит ҳисобига иссиқ-совуқ сув таъминоти тизими созланди.

Эҳтиёжманд кишиларни йўқлаш, уларга моддий мадад бериш ўта савобли ишлардан. Маҳалламиздаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар якка-ёлғиз қарияларга, кўп болали ҳамда камхарж оилалар ҳолидан хабар олиб турибдилар. Бу ҳам ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш каби вазифаларни ҳал қилишда Юртбошимиз томонида бизга билдирилган юксак ишонч фаолиятимизни такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Донишмандларимиз айтмоқчи, эзгу ишларнинг дебочаси бўлса-да, ниҳояси бўлмайди. Бинобарин, олдинда қиладиган юмушларимиз кўп. Истаймизки, диёримиз гуллаб-яшнасин, маҳаллаларимиз янада обод бўлсин.

Хурсандой АВАЗОВА,
Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Сарикўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



Замон ва макон шукронаси

Фалсафада замон ва макон тушунчалари бор. Ушбу категорияларни замон жиҳатдан мустақиллик давримизга ва макон жиҳатидан жонажон юртимизга қўллаб, таҳлил қилсак, дунё-дунё бўлиб, юрт-юрт бўлиб бугунгичалик тинчлик, тўқлик, тўкин-сочинлик, бунёдкорлик, ривожланиш, ободлик, бир сўз билан айтганда, фаровонлик бўлган эмас.

Муҳтарам Президентимизнинг 2012 йил октябр ойидаги ташрифларидан сўнг Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид бир қанча қарорлар қабул қилинди ва бир ярим-икки йилда оламшумул ишлар амалга оширилди.

Бугун Урганчдаги Шовот канали обод ва сўлимлиги, ёруғ ва баҳаволиги, гўзал ва ораста, тинч ва мусаффолиги билан тилларга тушди. Шаҳримиздаги «Ёшлар кўли» туфайли Урганч ўз денгизига эга бўлгандай бўлди. Кўлда виқор билан турган 2 та катта кема-ресторанлар ҳақиқатан ҳам денгиз кўрфазини эслатади. Ўртадаги 2 та оролга қурилган ҳар хил саргузашт тоғлари, эртаклар ороли эса унга сирли латофат бахш этади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шаҳримизнинг энг дурдона маржони – Ал Хоразмий кўчасидир. 4-5 қаватли, чиройли, баланд, виқорли биноларнинг биринчи қаватлари аҳолига хизмат кўрсатувчи турли хил хизматлар ва дўконлар шохобчаларидан иборат. Кетакетгунча гулзор ва яшил газонлар. Кечалари ҳар хил рангли чироқлар оғушида хориж мамлакатларидаги кўчаларга ўхшаб кетади.

Яратган эгамга шукроналар бўлсинки, бу мустақиллигимизнинг неъмати, истиқлол шарофати, бу — Ўзбекистоннинг Урганчидир.

Аммо, бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Шаҳарнинг темир йўл вокзали томонида «Ёшлик» массиви бор. Собиқ идора тузилмалари, қурилганига 80-100 йил бўлган қадимий иншоотлар, антисанитария шароитида бўлган уйлар ўрнида замонавий услубда қурилган 26 та кўп қаватли турар жойлар, катта спорт манежи, болалар боғчаси, туризм коллежи, кўплаб 2 қаватли коттежлар ва бошқа коммунал объектлар бунёд этилди. Иншоаллоҳ, 2015 йилга белгиланган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг катта қисми мана шу «Ёшлик» спорт мажмуасида ўтказилади.

(Давоми 2-саҳифада).

Биз ҳам бир ёндан

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида 303 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, жорий йилда 14 минг 100 гектар майдонда пахта ҳосили етиштирилди. Бугун улар орасида шартномавий режани бажарган фермер хўжаликлари сони ортиб бормоқда. Хусусан, «Отабек Нур Агро», «Найман», «Аманов Раҳмонгелди», «Карим», «Ўктамбек Лочин» фермер хўжаликлари қисқа муддат ичида ҳосилни йиғиб-териб олишга муваффақ бўлдилар. Теримчиларга меҳнат шартномасига мувофиқ яратиб берилган шарт-шароитлар, ўз вақтида кўрсатилаётган рағбат ушбу ютуқларнинг асосий омилларидан бири бўлмоқда.

Меҳнатга яраша рағбат

— Фермерлар Кенгаши томонидан 2014 йилги пахта йиғим-терими мавсумига теримчиларни эркин ёллаш тўғрисидаги эълонни ўқиб, теримда иштирок этиш истаги туғилди, — дейди «Фахриддин Ойбек Агро» фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 695-отряд теримчиси Шаҳноза Чинтошева. — Бир кунда 240-250 килограммгача пахта тераяпман. Иш ҳақи ҳар 3 кунда даланинг ўзида тўлаб борилмоқда. Бунга қўшимча равишда ҳомий ташкилотлар томонидан илғор теримчиларга рағбат сифатида қимматбаҳо совғалар, техника жиҳозлари, ўсимлик ёғи берилмоқда.

— Ҳар бир отряд раҳбари ва фермер хўжаликлари ўртасида меҳнат шартномалари имзоланган бўлиб, уларда теримчиларга яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш, иссиқ овқат билан таъминлашга оид шарт-шароитлар яратиш масалалари ўз ифодасини топган, — дейди 695-отряд раҳбари Шавкат Эшонқулов. — Меҳнат шартномасидаги мажбуриятларнинг ижроси бўйича касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда.

Туманда йиғим-терим мавсумини намунали ўтказиш бўйича алоҳида тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, теримчиларга яратилган шарт-шароитлар доимий равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Ўз мухбиримиз. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар





Ishonch
2014-yil 27-sentabr № 119 (3468)





Замон ва макон шукронаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Санайверсанг бармоқ етмас, айтаверсанг адо бўлмас, деган гап бугун айнан Хоразмда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақидадир. Ҳали аэропорт ва темир йўл вокзалларининг қайта қурилиши, марказий бозор ва унинг атрофини кенгайтириб, обод гўшага айлантирилиши, ҳали Қирғиз ёп (канал)нинг обод қилиниши, э-ҳе, бунинг барчасини айтиб адо қилолмаймиз. Яхшиси, ушбу сатрларни ўқиган инсонларнинг ўзлари шаҳримизга келиб кўрсинлар, қувончимизга шерик бўлсинлар.

Биз, сиёсий ходимлар вақтни, ўтган йилларни сайловдан-сайловгача бўлган давр билан ўлчашга одатланганмиз. 1994 йилдаги биринчи чақириқ сайловлардан бери ўтган 20 йил давомида Хоразмда «Авесто» китобининг 2700 йиллик, Хиванинг 2500, Маъмун Академиясининг 1000, Жалолиддин Мангуберди тавваллудининг 800 йиллик юбилейлари, «Умид ниҳоллари – 2003» спорт ўйинлари фестивали ўтказилди. «Авесто», Жалолиддин Мангуберди, Ал-Хоразмий боғ-мажмуалари бунёд этилди. Дарвоқе, Урганчда мустақилликдан олдин атиги 2 та истироҳат боғи мавжуд бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 17 тага етди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси асосан зиёлилар партияси бўлгани учун, бизни кўпроқ маърифат, илм-фан, таълим ва маънавият масалалари қизиқтиради, албатта.

Айтиш лозимки, мустақилликдан олдин Хоразмда 1 та педагогика институти, 3 та техникум ва бир қанча касб-ҳунар билим юртлари бўлган бўлса, бугунги кунда вилоятда 3 та олийгоҳ, Маъмун Академияси, 96 та коллеж ва лицейлар, катта ахборот-ресурс марказлари халққа билим, нур-зиё тарқатмоқда.

Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида юқорида келтириб ўтилганлардан ташқари қуйидаги оламшумул — катта қурилишлар амалга оширилди:

- Амударё устига Питнак шаҳрида узунлиги 700 метр бўлган темир йўл ва автомобил кўприги, Урганчда автомобил кўприги тарихан қисқа вақтда қурилди.

- вилоят ҳудудида узунлиги 170 км. бўлган Урганч-Бухоро йўлининг бир қисми ҳисобланган Тўрткўл-Саримой участкасида дунё андозалари даражасида асфалт-бетон йўл қурилди.

- Ҳазорасп туманининг Питнак шаҳрида «Дамас» ва «Орландо» енгил автомашиналари ишлаб чиқариладиган янги завод ишга туширилди.

— Урганчда энг замонавий экскаваторлар ишлаб чиқарувчи завод фойдаланишга топширилди.

— Хивада совутгичлар ва бошқа электр асбоблари заводи ишлай бошлади.

— Ҳазорасп, Боғот, Хонқа, Урганч, Гурлан, Шовот ва Хива туманларида текстил саноати корхоналари қурилди.

— Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, мулкдорлар синфи шаклланди, хусусий мулк давлат муҳофазасига олиниши натижасида ишлаб чиқариш жадал ривожланиш йўлига ўтди.

Шу ерда ўринли бир савол туғилади. Хўш, нега аввалари Амударёга кўприк қурадиган бир валенеъмат топилмади? Майли, хоразмшоҳлар даврида бунинг техник имконияти бўлмагандир, аммо на «оқ подшоҳ» (Чор Россияси) даврида, на қудратли советлар даврида бу иш амалга ошмаганига нима дейсиз? Чунки, уларни халқнинг ғами ва ташвишлари қизиқтирмасди. Улар фақат ҳудуддан кўпроқ хомашё бойлик ташиб кетиш ғамида эдилар.

Мана, бугун икки соҳил аҳолисининг минг йиллик орзулари рўёбга чиқди. Борди-келди яқинлашди, енгиллашди. Аввалари дарёда паромни 2 соатлаб кутишга мажбур бўлинар, қош қорайиб қолса, ким қайси соҳилда бўлса, шу ёқда эрталабгача ётиб қолишга мажбур эди. Юк айрибошлаш жуда оғир аҳволда эди.

Таъбир жоиз бўлса, яна бир савол. Собиқ тузум даврида бундай қурилишларни бизнинг юртда амалга оширишнинг имкони бормиди?

Амалиётда имкони йўқ эди. Чунки, марказдагилар учун бу, узоқ, чекка бир вилоятнинг кичик бир муаммоси бўлиб кўринар ва улар буни умуман тушунмас ва ҳатто тушунишни истамас эдилар.

Президентимиз, ҳурматли Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллик байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида: «Биз ким эдик-у, ким бўлдик?" деган оламшумул саволи бор. Ушбу саволга юқорида келтирилган мисоллар етарли жавоб бўла оладими? Фикримча, жавоб қуйидагичадир.

Биз ўзининг тилини, урф-одатларини, муқаддас динини унута бошлаган, дунё халқлари хотирасидан ўча бошлаган, ўзининг ҳеч қанақа ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган, маънавиятини йўқота бошлаган, ўз бойлигига ўзи хўжа бўлмаган, ўзлигини унутаёзган, тобе халқ эдик.

Яратганга беҳад шукурлар бўлсинким, бугун биз, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида ўзининг тилига, муқаддас динига, урф-одатларига, ўз мулкига, ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлган, ўзлигини англаган, дунё халқлари томонидан тан олинган, ўзининг миллий маънавиятига эга бўлган, ҳеч кимга қарам бўлмаган, жаҳон саҳналарида эътироф этилган, ўз овозига, ўрнига, обрўйига ва мавқеига эга бўлган мустақил халқ бўлдик. Агар мустақил бўлмасак, шунақа фаровон, тўқ ҳаёт бўлармиди?! Йўқ, албатта. Истиқлолимизга шукур.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида шундай дедилар: «Моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин, биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг енгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни енгиб бўладими?».

Умри бўйи шаҳар сув тармоқлари идорасида чилангар бўлиб ишлаб, ҳозирги вақтда қарилик гаштини сураётган, маданиятли ва маърифатли инсон Омон оға Салаев яқинда шундай деб қолди:

— Муҳаббатдан, муҳаббат бўлур пайдо,

Муҳаббатсиз кишидан қоч Ҳувайдо, — деган улуғ мутафаккиримиз. Одамларимизнинг ҳам Ватанга, юртга, тинчликка, яратувчиликка, фаровонликка, ободликка муҳаббатлари беҳад юксак. Шунинг учун ҳам бунёдкорлик ишлари бетиним давом этяпти.

Оддий халқдан чиққан инсоннинг бундай сермаъно гапига бирон сўз қўшиб бўлмайди.

Худога шукур, боболаримиз, оталаримиз кўрмаган замонни бизлар кўрдик. Илоҳим, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси раиси, иқтисод фанлари номзоди

2014 йил – Соғлом бола йили

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поездининг навбатдаги манзили Қорақалпоғистон Республикаси бўлди.

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ сафарда

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббий-ижтимоий лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани, алоҳида эҳтиёжли болалар саломатлигини тиклашга кўрсатилаётган эътибор бунга яққол мисолдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси учун «Саломатлик» поездлари ташкил этилиб, мутахассислар томонидан уч мингдан зиёд аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Аҳолига ҳамда вилоятларнинг тиббий ва ижтимоий муассасаларига 223,0 млн. сўм миқдоридаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва 707,4 минг АҚШ доллари қийматидаги дори-дармон, тиббий жиҳозлар, санитария-гигиена воситалари, витаминлар, қишки ва ёзги оёқ кийимларидан иборат инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди.

— «Саломатлик» поезди таркибидаги малакали шифокорлар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда фоннинг ҳудудий бўлимидаги тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси аҳолини, жумладан, аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатади, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди матбуот котиби Аббосжон Эргашев. — Шу муносабат билан Оролбўйида 30 сентябрга қадар саломатлик кунлари ташкил этилади. Унда тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтожларни кўрикдан ўтказиш, соғломлаштириш ишлари олиб борилади. Поездда тиббий кўрикларни юқори савияда ташкил этиш, замонавий тиббий-диагностика воситалари ёрдамида касалликка аниқ ташхис қўйиш, хасталикни эрта босқичларда аниқлаш ва соғломлаштириш имконияти мавжуд. «Саломатлик» поезди таркибидаги мурувват юклари «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Baxtteks-Farm», «DiyorBiznes» масъулияти чекланган жамиятлари, бир қатор халқаро ташкилотлар маҳсулотлари асосида шакллантирилган.

Эътиборлиси, акция доирасида ҳудуддаги «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйлари, даволаш-профилактика муассасалари, туғруқ комплекслари, имконияти чекланган болалар мактаб-интернатларига тиббий анжомлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа жиҳозлар бериш ҳам режалаштирилган.

Тадбир давомида соғлом турмуш тарзи тарғиботига доир турли давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Ҳосил — 2014»

Фарғона вилоятида пахта бўйича шартномавий режани бажарган фермер хўжаликлари сони кун сайин ортиб бормоқда. Ҳосилни ўз вақтида териб олишга қаратилган тадбирлар иш унумдорлигини таъминлаётир.

АНТИҚА БАҲС

Фарғона туманининг «Аввал» МТП ҳудудидаги «Иброҳимжон — Асроржон» фермер хўжалигида «100 та теримчига — 100 та совға» тадбири уюшқоқлик билан ўтказилди. Вилоят ва туман ҳокимлиги, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона туман кенгаши, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда бир кунлик ҳашар доирасида ҳашарчилар теримчилик қобилиятларини синаб кўришди.

— Ҳашар жуда баракали бўлди, — дейди туман кенгаши раиси Охунжон Раҳмонов. — Тадбирдан кўзланган мақсадимиз юрт хирмонига муносиб ҳисса қўшиш эди. Қарангки, кун давомида 300 кг. пахта терган теримчиларимиз ҳам бўлди.

Ниҳоят, ҳисобчилар кун натижаларини эълон қилди. Тумандаги 55-мактаб ўқитувчиси Абдулҳай Тошматов 300 кг. пахта териб, биринчи ўринни эгаллади ҳамда рангли телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ўрин 53-мактаб ўқитувчиси, 263 кг. пахта топширган Ҳ. Турсуналиевага, учинчи ўрин 257 кг. пахта терган З. Турдалиевага насиб этиб, уларга гилам совға қилинди.

Ҳашарда қатнашган фаол 10 нафар теримчига адрас, қолган қатнашчиларга чойнакпиёла тўплами ҳамда спорт формалари топширилди. Хуллас, шу куни ҳеч бир теримчи совғадан бенасиб қолмади.

Кечқурун пахта терими мавсумига бағишланган йиғилишда вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев теримчилар кўрсатган жонбозликни инобатга олиб, ҳашарчилар баҳси совриндорларига мукофотни янада оширди. Биринчи ўринга қўшимча 3 млн. сўм, 2-ўринга 2 млн. сўм, учинчи ўринга 1 млн. сўм рағбатлантирувчи мукофотлар беришга қарор қилинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Сурхон воҳасида ўзига хос тажрибага қўл урилди. Теримчилар 100 нафардан иборат отрядларга жамланиб, фермер хўжаликлари далаларидаги ҳосилни навбати билан йиғиб олишмоқда. Шу боисдан ҳам бугунгача вилоятда зафар маррасини эгаллаган фермерлар сони 120 тадан ошиб кетди.


ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА

— Ишга бўлган рағбатни кучайтириш, илғор теримчиларнинг манфаатдорлигини ошириш ниятида ҳар бир отрядга банк ходимлари бириктирилиб, пахта учун пул шу ернинг ўзида тарқатилаяпти. Ҳашарчилар учун дала шийпонлари, 375 та бўш турган иморатлар ҳамда «Сурхондарё пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги 15 та иморат ётоқхона қилиб берилган. Дам олиш, овқатланиш, ювиниш хоналари ҳам шу ерда. Теримчилар сифатли озиқ-овқат, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминланган. Ангор, Музрабод, Денов, Сариосиё, Қумқўрғон каби туман таълим, фан ва маданияти ходимлари касаба уюшма қўмиталари ҳар беш кунда илғор теримчиларни қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириб турибди. Шартнома режасини ортиғи билан бажарган фермер хўжаликларига вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиғи, эсдалик совғалари тантанали равишда топширилаётир. Куни кеча Қумқўрғон тумани пахтакорларининг бир гуруҳига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Фахрий ёрлиғи, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маҳалла маслаҳатчилари 100 нафардан қишлоқ аёлларини бириктириб, ўзига хос ташаббус кўрсатди. Илғорлар рағбатлантириб борилмоқда.

— Ҳашарчиларимизни ётоқдан далага, далалардан ётоққа ташиш учун «ИСУЗИ» автобуслари жалб қилинган. Дала бошида иссиқ-овқат ташкиллаштирилган. Тиббиёт ходимлари теримчиларнинг сиҳатидан ҳар лаҳза хабардор, — дейди Қумқўрғон туманидаги «Дилшод-Шаҳнозабону» фермер хўжалиги раҳбари Урол Лоқаев.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири



МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

«Андижон биокимё заводи» очиқ акциядорлик жамияти юқори сифатли этил спирти ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Корхонада амалга оширилган модернизация тадбирларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортди. Ҳозирда бу ерда кунига 60 минг литр юқори сифатли этил спирти тайёрланмоқда.

Суратда: корхона ишчиси Азизбек Охунов.

ЎзА фотомухбири
Зухриддин УМРЗОҚОВ
олган сурат

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгаши раиси Аҳмаджон Исломов ҳамроҳлигида ҳудуддаги Пўлатов номли фермерлар уюшмаси далаларини айланиб, пахта мавсумининг кўтаринки руҳда кечаётганига гувоҳ бўлдик.

ШИЖОАТ намоён бўлган жойда

«Асақул Суюнов Барҳаёт» фермер хўжалиги аъзолари белгиланган шартномавий режани уддалаганликларидан хурсанд. Чевар теримчилар, шунингдек, илғор сувчи, механизаторларга ҳокимлик ҳамда касаба уюшмаларининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Эсдалик совғалари, бадиий-мусиқий қутловлар дилларни янада хушнуд этди. Хўжалик раҳбари Озод Ҳаққулов тумандаги энг ёш фермерлардан бўлса-да, мақсадлари улкан.

— 37 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз, — дейди Озоджон. — Экин майдонларимиз адир қўйнида бўлгани боис, сувни насослар орқали икки карра юқорига кўтаришга тўғри келади.

Ҳашарчилар учун махсус ётоқхоналар ҳозирланган. Терим пуллари ҳар 5 кунда шу ернинг ўзида тарқатилмоқда.

Йиллик режани уддалашга эришган «Келажаги порлоқ Йўлдош» фермер хўжалиги пахтакорлари ҳам шу куни касаба уюшма фаоллари йўқловини мамнуният билан қабул қилиб олди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Умр дерлар буни...

Гулистон шаҳридаги Улуғобод маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган 85 ёшли Мирсоат отанинг умрини болалар дунёсидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун шогирдлари нафақат маҳалла, балки вилоятнинг фаол одамларидан ҳисобланади.

Ёшларга ҳавас қиламан...

— Бу бош нималарни кўрмади дейсиз, — дейди отахон. — Бугунги дориломон кунларга соғу омон етказгани учун Яратганга беадад шукур.

Ўқитувчи касбида узоқ йиллар меҳнат қилганим учун ҳам истиқлолнинг биргина шу йўналишда олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталаман. Таълим тизимида ўтказилган ислоҳотлар биз учун ушалмас орзу бўлган. Ёдимда, маҳалламиздаги мактабни тиклашга қанчалар қийналгандик. Бугун қурилаётган замонавий ўқув даргоҳларини кўриб ҳаммаси мустақиллик неъматлари эканлигини англайман. Бугунги ёшлар ҳам бизнинг замон ўқувчиларидан жуда фарқ қилади. Тил билишда, техник билимлар эгаллашда жуда илғор.

Мирсоат отанинг жияни Шаҳноза 16 ёшда. Айтишимиз мумкинки, у юртимизнинг эртаси порлоқ, фаол ёшларидан. 4 йилдан буён спортнинг таэквандо ITS тури билан шуғулланади. Ёш бўлишига қарамай 4 карра Ўзбекистон чемпиони. 1-ДАН қора белбоғ соҳибаси. Ўзи таълим олаётган Гулистон шаҳар 2-академик лицейи «Камолот» ЁИҲ бош етакчиси, «Ораста қизлар» тўғараги раҳбари.

— Жияним октябр ойида Сочи шаҳрига спорт мусобақасида иштирок этиш учун боради. Биз уларнинг ёшида дунё кўриш, иқтидор намойиш этиш имкониятларига эга эмасдик. Бир вақтлар маҳалламизда 3-4 кишида автоулов бўларди. Ҳозир енгил автомобили йўқ хонадонни топиш қийин. Бу кенг имкониятлар учун Ватанимиз равнақи, юрт фаровонлиги, эл осойишталиги йўлида доим ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга раҳмат!

Мирсоат ота сингари кексаларнинг борлиги биз учун катта давлат. Бундай фариштали инсонлар ёшларга бошларидан кечирган ҳаёт ҳақиқатларидан сўзлаб, фаровон кунларнинг қадрига етиб яшаш, истиқлолни кўз қорачиғдай асраб-авайлашга чорлаб турадилар Бу эса ёш авлод учун ўзига хос ҳаёт мактаби, ибрат намунаси вазифасини ўтайди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 27-sentabr № 119 (3468)

21 декабр — Сайловлар куни

2014 йил 21 декабрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябридан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ ЎзА мухбирига миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, бўлажак сайлов қандай ташкил этилиши, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш қандай принципларга асосланиши хусусида сўзлаб берди.

Очиқ ва эркин сайловлар — демократия асоси

— Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир, — дейди М.Абдусаломов. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислоҳотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунида мустаҳкамланган ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Айни пайтда сайлов тизимининг такомиллаштирилаётгани мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётгани ва жамиятимиз яшаётган янги шароитлар сайлов жараёнларини янада демократлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Масалан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муҳим самараларидан биридир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотлар жараёнига, қонун ижодкорлиги даражаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва депутатларнинг амалий фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги ҳам сезиларли равишда ошди.

Буларнинг барчаси бўлажак сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мустаҳкам асос яратади ва сайлов жараёнини ташкил этишга жалб этилган барча тузилмалар зиммасига катта масъулият юклайди.

— Миллий сайлов тизимида мустаҳкамланган асосий демократик принциплар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумэътироф этилган халқаро нормалар инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич шакллантирилди. Ўзбекистонда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентликнинг демократик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, депутатликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунади. Ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашишига ҳар қандай уринишлар тақиқланади.

Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунларда халқаро тажриба ва мамлакатимиз амалиёти ҳисобга олинган ҳолда, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрни берилгани ҳам буни тасдиқлайди. Ушбу норма атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазият ва фуқаролар саломатлигини яхшилаш масалаларининг муҳимлигидан ва уларнинг ҳал этилишидан аҳолининг барча қатламлари манфаатдор эканидан келиб чиққан ҳолда жорий этилган.

— 2014 йилдаги сайлов қандай хусусиятларга эга, сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига қандай ўзгартишлар киритилди?

— Мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик органларига бўлажак сайлов янги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли комплекс ислоҳотларни амалга оширишда эришилган улкан муваффақиятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда ва Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга. Аввало, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва фуқаролар тотувлиги мустаҳкамланиб, сўнгги йилларда иқтисодий барқарор ўсиш суръатларининг 8 фоиздан кўпроқни ташкил қилаётгани, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг узлуксиз ошиб бораётгани, шунингдек, уларнинг фуқаро сифатида ўзини ўзи англаши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани энг катта ютуғимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳаётимизнинг барча соҳаларини жадал суръатда модернизация қилиш ва янгилаш жараёни билан боғлиқ янги талабларга мувофиқ келгуси давр учун, шу жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида янги вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилиши тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг белгиланган муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари илгари сурган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш чоғида Асосий Қонунимизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди. Бундан ташқари, қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг роли кучайди. Жойларда ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ушбу барча ўзгартишлар қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, партияларо рақобатни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Бу сайловларнинг демократлиги, очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлаш кафолатига айланди.

Концепцияни татбиқ этиш доирасида сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайловолди ташвиқотини олиб боришда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини ошириш, сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилди. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларга овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилиш), жумладан, уларни умумий фойдаланувдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, хусусан, интернетга жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норма киритилди. Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш кафолатини кучайтиради.

Кузатувчиларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу мамлакатимизда сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги принципларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссияси ушбу талабларни инобатга олган ҳолда, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқди ҳамда тасдиқлади.

— Айтинг-чи, мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат ва унда сайлов кампанияси давомида ҳал этилиши лозим бўлган қандай вазифалар қўйилган?

— Қонунчилик талаблари ва халқаро сайлов стандартларига тўлиқ мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ушбу дастурда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муҳим талаб ва вазифалар, аниқ вақт жадвалига биноан бўлажак барча тадбирлар ва масъул тузилмалар белгиланган. Бу сайловга юксак демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирокини таъминлаш имконини беради.

Чунончи, сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишга оид зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратиш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Бу борада сайловда иштирок этаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг янги нормаларини уларнинг сайлов ҳуқуқларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб берилади.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, сиёсий партия парламент сайловида иштирок этиш ва депутатликка номзодлар кўрсатишга ижозат олиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принципларини ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданий шаклларидан фойдаланишларига кўмаклашишга катта аҳамият берилади.

Бунда сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг амалдаги қонунчилик талабларига сўзсиз ва аниқ риоя этиши муҳим талаб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, дастурда фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчилик қоидасини изчил ва сўзсиз амалга ошириш зарурлиги қайд этилган. Ҳеч ким сайлов жараёнига аралашиши мумкин эмас. Аввалambor, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади ва айбдорлар жазоланади.

Сайлов кампанияси иштирокчиларининг биротасига бирон-бир имтиёз ва устунлик берилиши истисно қилинади. Сайлов қонунчилигининг меъёрлари, талаблари, қонунда ва ушбу дастурда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хил ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу муҳим вазифаларни бажариш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари, сайлов комиссиялари, сайлов қонунчилиги соҳаси олимлари ва мутахассислари салоҳиятидан фойдаланилмоқда.

Мисол учун, мамлакатимиз ва чет эл экспертлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган қатор тадбирлар ташкил этилди. Парижда «Сайлов тизимини демократлаштириш ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт», Тошкентда «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари», Самарқандда «Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиқлик, ошкораликни таъминлаш ва қонунга риоя этишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида қатор халқаро конференциялар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ушбу тадбирларнинг ўзказилиши чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари ва экспертлар ҳамжамиятини Ўзбекистонда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида тўлиқ ва холис хабардор қилишга ёрдам берди.

Бундан ташқари, кенг жамоатчиликка 2014 йилги сайлов кампаниясининг барча жиҳатларини тушунтириш мақсадида етакчи олим ва экспертларнинг марказий ҳамда ҳудудий телева радиоканалларда 300 дан зиёд чиқишлари ташкил этилди, марказий ва маҳаллий босма нашрларда 570 дан ортиқ мақола чоп этилди, интернетдаги хорижий сайтларда 580 дан зиёд материаллар жойлаштирилди.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар доирасида бўлажак сайловларнинг мазмун-моҳияти, сайлов кампанияси ҳар бир босқичининг асосий вазифалари очиб берилмоқда. Сайлов масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар, рисола ва услубий қўлланмалар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси негизида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди, 120 нафар ОАВ вакили ўқитилди. Бундан ташқари, жойларда «Сайловларни ёритишда ОАВнинг роли» мавзусида ўтказилган 14 давра суҳбатида ҳудудий оммавий ахборот воситаларининг 370 нафар журналисти иштирок этди.

— Бўлажак сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари фуқаролик институтларидан бири сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Улар демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, уларнинг ўз фикр ва ғояларини, ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиши имкониятини таъминламоқда, жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда. Бу эса аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлов комиссиялари фаолияти ошкоралигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, улар фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сайловолди дастурлари, депутатликка кўрсатаётган номзодлари, сайлов жараёнининг барча босқичлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаши лозим. Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда муҳим восита бўлиб, фуқаролик жамиятининг сайловда фаол иштирок этишига жиддий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципига амал қилган ҳолда, депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади. Бундан ташқари, улар фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов жараёнида жамоатчилик назорати вазифасини бажаради.

Сайлов жараёнининг барча босқичлари очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида ОАВ орқали ўз вақтида холис хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил қилинди. Ушбу марказ Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишлаб ўтказадиган брифинглар, матбуот анжуманларини ташкил этади, мамлакатимиз ва чет эл ОАВ вакилларини мазкур муҳим демократик жараён билан боғлиқ зарур ахборот материаллари билан таъминлайди. Айни пайтда журналистларни Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz сайтида эълон қилинган аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига хорижий ва миллий ОАВ вакилларидан мурожаатлар келиб тушмоқда.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар давом этмоқда. Мазкур ишлар сайлов тўғрисидаги қонунчилик, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган дастур ва тадбирлар календар режасига қатъий амал қилган ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Қонун талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этиш, шубҳасиз, бўлажак сайловни демократия принциплари асосида очиқ ва ошкора ўтказишни таъминлайди.

ЎзА мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА суҳбатлашди

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги давлат активи қуйилади.

Навоий вилояти Навоий шаҳар «Тинчлик» қўрғонида жойлашган, Навоий шаҳар ҳокимлиги балансидаги «Тинчлик» ётоқхонасига қарашли «Ошхона» биноси.

Бошланғич нархи — 984 709 000 сўм;

Балансда сақловчи: Навоий шаҳар ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиали, Навоий вилоят Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: (8436) 224-15-61. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта манзили: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 октябр куни, соат 15:00да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йилнинг 6, 14 ва 21 ноябр кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилоят филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека банк» Навоий филиали, ҳ/р: 20208000504920609007, МФО:00205, СТИР:207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Навоий вилоят Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8436) 224-15-61. Факс: (8436) 224-64-31.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Наманган вилояти Чортоқ шаҳар, Дўстлик МФЙ, Ибн-Сино кўчасида жойлашган, «ОПС» автобаза бино иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 6725,41 кв.м., бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 6725,41 кв.м.

Бошланғич нархи — 1 038 540 063 сўм;

Балансда сақловчи: Чортоқ туман ҳокимлиги.

Фаолият ихтисослиги; Шаҳар ва туманлар бошқарув идоралари.

2. Наманган вилояти Чортоқ шаҳар Мустақиллик шоҳ кўчаси 3-уйда жойлашган, «Садоқат» савдо маркази бино иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 2198,0 кв.м., бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 1592,19 кв.м.

Бошланғич нархи – 2 019 340 160 сўм;

Балансда сақловчи: Чортоқ туман ҳокимлиги.

Фаолият ихтисослиги; Шаҳар ва туманлар бошқарув идоралари.

3. Наманган вилояти Чортоқ тумани, «Айқирон» ҚФЙ, «Боғ» МФЙда жойлашган, «Оқ олтин» универмаги бино иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 1024,0 кв.м., бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 694,7 кв.м.

Бошланғич нархи — 398 919 178 сўм;

Балансда сақловчи: Чортоқ туман ҳокимлиги.

Фаолият ихтисослиги; Шаҳар ва туманлар бошқарув идоралари.

4. Наманган вилояти Чортоқ шаҳар, «Навоий» МФЙ, Истиқлол кўчасида жойлашган, «Чортоқ» универмаги бино иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 1842,3 кв.м., бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 855,19 кв.м.

Бошланғич нархи — 1 720 876 302 сўм;

Балансда сақловчи: Чортоқ туман ҳокимлиги.

Фаолият ихтисослиги; Шаҳар ва туманлар бошқарув идоралари.

5. Наманган вилояти Чуст шаҳар, Сўфизода кўчасида жойлашган, «Само» давлат корхонаси бино иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони 1117,2 кв.м.

Бошланғич нархи — 637 939 475 сўм;

Балансда сақловчи: «Барион» МЧЖ.

Фаолият ихтисослиги; Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиали, Наманган вилоят Наманган шаҳар, Нодира кўчаси 3-уйининг 4-қавати. Тел: (8369) 227-97-01. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: user08@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 28 октябр куни, соат 14:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йилнинг 4, 11, 18 ноябр кунлари, соат 14:00 да бўлиб ўтади

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилоят филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека банк» Наманган вилоят филиали, х/р:20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси 3-уйининг 4 қавати.

Маълумотлар учун телефонлар: (8369) 227-97-01. Факс: (8369) 227-94-47.

Электрон почта: user08@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Миробод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2006 йил 14 августда берилган «Шариф сервис коммунал», реестр рақами — 001899-03, «Барлос коммунал сервис», реестр рақами 001901-03, «Чимбой коммунал сервис», реестр рақами 001900-03 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Алоқа ходимлари Самарқанд вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитасининг собиқ раиси

Толиб РАҲМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг,
МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 27-sentabr № 119 (3468)

ШАРҚ ГАВҲАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Туристларга саёҳати давомида халқимизнинг бой маданий меросидан тўла бохабар бўлиш имконияти яратилмоқда. Жумладан, Регистон ансамблининг Тиллакори мадрасасида Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Самарқанд вилоят бошқармаси «Халқ амалий санъати асарлари ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси» доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, сайёҳлар кўпроқ ташриф буюрадиган жойларда тарихий обидалар ҳақидаги маълумотлар акс этган стендлар жойлаштирилган. Самарқанд халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалида туристик-экскурсия харитаси ўрнатилган. 2015 йилдан бошлаб барча сайёҳлик объектларида ана шундай стенд ва хариталар ўрин олади.


Президентимизнинг «2013-2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, сайёҳларнинг Самарқанд бўйлаб сафарини ташкил этиш режалаштирилган. Бу йўналишда устувор ривожлантириш зоналари этиб Ургут тумани Юқоричинор, Қора тепа ҳудудидаги Тахта қорача довони атрофи, «Минг арча» дам олиш маскани, Самарқанд туманининг Оҳалик ва Миронқўл қишлоқлари ҳудуди, Нуробод туманининг Оқсой қишлоғидаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи, Нурбулоқ қишлоғидаги «Нуробод санаторийси» ён-атрофи, Жомбой туманидаги «Зарафшон» қўриқхонаси ҳамда Пахтачи туманидаги Добуссия қалъаси тевараги ободонлаштирилиши мўлжалланган.

Тил — дил калити, дея бежизга айтишмайди. Бугунги кунда Самарқандда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотларда 17 тилда равон сўзлаша оладиган гид-таржимонлар фаолият кўрсатмоқда. Тизимни малакали мутахассислар билан таъминлашда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг ўрни беқиёс. Мазкур таълим даргоҳлари талабаларига касб малакаларини ошириш, ўқув амалиётларини ўташи учун барча шароит яратилган. «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Республика ўқув консалтинг маркази томонидан доимий равишда ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилаётир. Бундай тадбирларга муттасил равишда чет эллик тажрибали мутахассис ва экспертлар жалб этилмоқда.

«КАСАБА САЙР» САЁҲАТГА ЧОРЛАЙДИ

Туризм индустриясини ривожлантиришга жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон шаҳарларидаги тарихий-меморий меросни, истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришларни 4,5 мингдан зиёд меҳнаткашлар вакиллари томоша қилиш имконига эга бўлдилар.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 2013-2015 йилларда тизимда туризмни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилган, — дейди «Касаба-сайр» шўъба корхонаси раҳбари Тўлқин Хидиров. — Унда тизимда ички ва тиббий туризм соҳаларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган. Шунингдек, санаторийларда даволаш



турларини кўпайтириш, ахборот-коммуникация, транспорт ва бошқа хизматлар сифатини ошириш каби қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Кейинги йилларда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ички туризм йўналишидаги саёҳатлари сони кескин ошди. Жамоа шартномалари ва келишувларида ходимларни дам олдиришнинг ана шундай услублари жорий қилинмоқда. Аксарият корхоналарда бир йилда бир неча бор ички туризм йўналишида имтиёзли саёҳатлар ташкил этилаётир. Хусусан, Самарқанд вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ана шундай ибратли ишга қўл урда. Корхона бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Раҳмат Зулфановнинг эътироф этишича, бу анъана янада кучайтирилади.

Жорий йилда соҳа ходимлари Тошкент ва Бухоро шаҳарларини томоша қилиш имконига эга бўлишди.

Ички ва тиббий туризм йўналишидаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилаётир. Айни чоғда касаба уюшмалари тасарруфидаги «Саёҳат сари» меҳмонхонаси сафига Самарқанддаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси қўшилди. Хива шаҳрида ҳам касаба уюшмалари маблағи эвазига замонавий меҳмонхона қад ростлайди.

Жорий йилда «Касаба сайр» шўъба корхонаси томонидан амалга оширилган ибратли ишлардан бири — болалар саёҳатини ташкил этиш бўлди. «Соғлом авлод йили» Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларидан 320 нафари саёҳатга олиб чиқилди. «Биз — мустақил юрт фарзандларимиз» шиори остида ташкил этилган саёҳат Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарлари бўйлаб давом этди. Болажонлар аждодларимизнинг улкан мероси, истиқлол иншоотларини томоша қилиш билан бирга, турли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишди.

Саломатлик — бебаҳо бойлик. Меҳнаткашларга дам олиш баробарида соғлигини мустаҳкамлаши учун мақбул услублардан фойдаланиш таклиф қилинмоқда. Ўтган йилнинг 20 сентябрида ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамкорлигида «Зомин санаторийси»да давра суҳбати ташкил этилди. Унда Хитой, Корея, Россия, Ҳиндистон, Озарбойжон, Қозоғистон давлатларидан вакиллар иштирок этди. Айни чоғда қатор чет эл компанияларига ўзларининг диагностика ва физиотерапевтик жиҳозларини намойиш этиш имкони яратилди.

Таъкидлаш жоиз, юртимиз табиати, наботот олами, тоза суви-ю, ҳавоси минг дардга малҳам, аслида. Буни Ўзбекистонда бўлган ҳар бир чет эллик сайёҳ бот-бот эътироф этганини эшитганмиз. Диёримизда фаолият юритаётган санаторийлар дунёдаги манаман деган оромгоҳлардан қолишмайди. Биргина 2013-2014 йил январ-сентябр ойларида Санатор-курортлар бошқармаси санаторийларида 2984 нафар чет эллик дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўп.

Жиззах вилоятида яна бир табиатимиз туҳфаси аниқланди. Танга даво маъданли сувни инсон саломатлигига йўналтириш чора-тадбирлари кўрилаётир. Мазкур ҳудудда 50 ўринли «Ҳовотоғ» санаторийси қурилишига киришилган. Бу масаланинг бир жиҳати. Қолаверса, касаба уюшмалари тасарруфидаги «Турон», «Чинобод» санаторийлари чет элдан махсус буюртма асосида келтирилган замонавий ускуналар, «Гарра руфа» туридаги баликлардан даволаниш йўлга қўйилди. «Чимён», «Оқ тош», «Абу Али ибн Сино», «Умид гулшани» санаторийларида бўғим, умуртқа поғонаси касалликларини даволаш учун кўп функцияли ЗИНДА аппаратлари мавжуд. Сиҳатгоҳларда яратилган кенг имкониятларни хориж ҳамда чет эл фуқароларига етказиш мақсадида ОАВ ҳамда интернетдан кенг фойдаланилаётир.

Фаолиятининг илк давриданоқ «Тошкент халқаро туризм кўргазмаси — 2013»да иштирок этган «Касаба сайр» шўъба корхонаси Туркия, Малайзия, Хитой, Россиядаги бир қатор туристик фирмалар билан алоқалар ўрнатишга эришди. Қозоғистон касаба уюшмалари тасарруфидаги «Акмалатурист» фирмаси томонидан Тошкент ва Самарқандга ташкил этилган саёҳат мазмунли ташкил этилди.

Айни пайтда, жамоат ташкилоти туризм ривожига ҳисса қўшиш баробарида меҳнаткашлар ва уларнинг оиласига яратилган имтиёз ва кафолатлар қамровини кенгайтирмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири



XVII ёзги Осиё ўйинлари

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида давом этаётган XVII ёзги Осиё ўйинларида спортчиларимиз кўплаб медалларни қўлга киритмоқда. Жумладан, спорт гимнастикаси бўйича таяниб сакрашда 14.750 балл жамғарган Оксана Чусовитина делегациямиз ҳисобига кумуш медални келтирди. КХДР вакиласи Хонг Юн Чжонг (15.349 балл) олтин медални қўлга киритган бўлса, ветнамлик Пан Ти Ха (14.683 балл) учинчи ўринни эгаллади.

Медаллар шодаси ва Оксананинг жасорати



Одатда гимнастикачилар мусобақалардаги иштирокини 30 ёшга етмай якунлайдилар. Оксана Чусовитинанинг ёши бир кам қирқда эканини инобатга оладиган бўлсак, ҳамюртимизнинг жасоратини тан олмасдан илож йўқ.

— Энг аввало, ўта кучли рақобат остида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олганимдан хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, бизни бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлаб турган оилам ва юртдошларимизга ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтаётганимдан бахтиёрман. Насиб этса, 2016 йилги ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам омадимни синаб кўришни мақсад қилганман.

Барчага яхши маълумки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида, биз спортчиларни янгидан-янги марраларни забт этишга ва бу орқали халқимиз, Президентимиз ишончини муносиб тарзда оқлашга ундамоқда.



Спортчи, энг аввало, Ватан номидан майдонга тушаётганлигини, унга барча юртдошлари умид билан кўз тикиб турганлигини дилдан ҳис этиши зарур. Мен қандай мусобақада иштирок этишимдан қатъи назар ҳамиша ғалабам юртдошларим қалбига олам-олам шодлик улашишини бутун вужудим билан ҳис этаман.

Ғалабам шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилганида ҳар доим кўзларимга севинч ёшлари келади. Мен она Ватанимга муносиб фарзанд бўлиб, унинг шуҳратини янада юксалтиришга ҳисса қўшаётганлигимдан бахтиёрман, — деди Оксана Чусовитина ОАВ вакиллари билан суҳбатда.


Осиё ўйинларининг яна бир кумуш медали 14.866 балл жамғарган Абдулла Азимовга насиб этди.

Спорт гимнастикаси бўйича брусда бажариладиган машқларда ҳамюртимиз Антон Фокин мураккаблигига кўра 6.700 балл бажарган машқи учун 8.775 баллга эга бўлди ва умумий 15.475 балл жамғарган ҳолда кумуш медалга лойиқ топилди. Антон Фокин 2010 йили Гуанчжоу (Хитой)да ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам иккинчи ўринни банд этган эди.

Мазкур мусобақада олтин медал япониялик Юя Камотога (15.800 балл) топширилди, ветнамлик Тан Пуонг Дин (15.416 балл) учинчи ўринни банд этди.

— Жароҳатим боис Осиё ўйинларига ўта тиғиз тайёргарлик кўришга тўғри келди. Шу боис кумуш медални қўлга киритганлигимдан хурсандман. Жаҳон чемпионати баҳсларида ҳам муносиб иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин эгаллашга ҳаракат қиламан, — деди Антон Фокин мусобақадан сўнг ташкил этилган матбуот анжуманида.

***



Ғазнамизга яна бир бронза медалини оғир атлетикачимиз Улуғбек Алимов (-85 кг.) келтирди. Улуғбек даст кўтаришда 164 кг., силтаб кўтаришда эса 205 кг. тошни ўзига бўйсундириб, совриндорлар сафидан ўрин олди. Сардорбек Дўстмуродов (-105 кг.) даст кўтаришда 170 кг., силтаб кўтаришда 221 кг., икки кураш якунига кўра 391 кг. натижа билан учинчи бўлди.

***

Мусобақаларда учта медалга сазовор бўлган дзюдочиларимиз жамоавий мусобақаларда учинчи ўринни эгаллашди.

Эътиборлиси, юртимиз полвонлари биринчи баҳсда жамоавий мусобақаларда ғолиблик учун асосий даъвогар ҳисобланган дзюдо ватани вакиллари — Япония терма жамоасини мағлубиятга учратдилар. Биринчи баҳсда катта куч йўқотилганлиги Қозоғистон термаси билан бўлган баҳсда ўз сўзини айтди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда эса ҳамюртларимиз Эрон терма жамоасини катта устунлик билан енгди.

***



Делегациямиз ҳисобига навбатдаги бронза медали теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган жамоавий баҳсларда қўлга киритилди. Денис Истомин, Фарруҳ Дўстов, Санжар Файзиев, Тимур Исмоиловдан иборат терма жамоамиз учинчи бўлди.

Бокс бўйича мусобақада ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўстматов (-49 кг.) рингга кўтарилди. Хитойлик боксчи билан кечган жангда Ҳасанбой ҳар томонлама рақибидан устун эканлигини намойиш этди ва нимчорак финалга йўлланма олди.

Теннис бўйича яккалик баҳсларда Тимур Исмоилов уммонлик Юнус Раваҳини, Санжар Файзиев эса покистонлик Муҳаммад Обид устидан ғалабага эришган бўлса, Нигина Абдураимова икки сетда Покистон терма жамоасининг яна бир аъзоси Сара Мансорни мағлуб этди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ Мададкор ММТПнинг 2014 йил 10 июлдаги 5 сонли буйруғи ва 2014 йил 25 сентябрдаги 2 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ КФЙ Сўқоқ кўчаси манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 548 АВА бўлган 1982 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, ГАЗ 53 Б русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 890 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 27 октябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 24 октябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 27 октябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 3 ва 10 ноябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 3 ноябр савдолар учун 31 сентябр куни соат 18:00; 10 ноябр савдолар учун 7 ноябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сагбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси 10-уй манзилида жойлашган М.Улуғбек туман ҳокимлиги тасарруфидаги, собиқ 379-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 759 кв.м.;
Бошланғич нархи — 906 520 000 сўм.
Балансда сақловчи: М.Улуғбек туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси 18-уй манзилида жойлашган М.Улуғбек туман ҳокимлиги тасарруфидаги, собиқ 384-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 869 кв.м.;
Бошланғич нархи — 956 680 000 сўм.
Балансда сақловчи: М.Улуғбек туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси 8-уй манзилида жойлашган Юнусобод туман ҳокимлиги тасарруфидаги, собиқ 105-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1018 кв.м.;
Бошланғич нархи — 1 237 298 647 сўм.
Балансда сақловчи: Юнусобод туман ҳокимлиги.
Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

- «Объектлар» собиқ мактабгача таълим муассасалари ҳисобланганлиги сабабли, «Харидорлар»га ушбу «Объектлар»ни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилади

4. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тасарруфидаги Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино-1 мавзесида жойлашган умумий майдони 663 кв.метрга тенг бўлган бино.

Бошланғич нархи — 819 689 000 сўм.

Балансда сақловчи: Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 22 октябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 5, 19 ноябр ва 3 декабр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сагбон филиали; ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади! Савдоларга марҳамат қилинг!

Мазкур эълон «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2014 йил 18 сентябрдаги 112 (8349)-сонида ва «Ҳуқуқ» газетасининг 2014 йил 25 сентябрдаги 39 (924)-сонида чоп этилган.

Хизматлар лицензияланган.

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Давлат мулкини ижарага бериш марказининг 2014 йил 23 сентябрдаги № 01-03/913-сонли буюртманомасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Давлат мулкини ижарага бериш марказига тегишли, Термиз шаҳар М.Қошғарий кўчаси 36-А уй манзилида сақланаётган НЕКСИЯ русумли, д/р 75 336 САА бўлган, 1997 йилда и/ч носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 7 338 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 31 октябр куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 31 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 17 ноябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 31 октябр учун 2014 йил 29 октябр ва 2014 йил 17 ноябр куни учун 2014 йил 14 ноябр куни соат 18 00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. 25 октаябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 20 майдаги 120 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2014 йил 8 сентябрда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-«А»уй манзилидаги умумий майдони 49 370 кв.метр ер майдонида жойлашган, давлат мулки бўлган, 4881 кв.метрга тенг бўлган бино ва иншоотлардан иборат мулкий мажмуаси, бошланғич баҳоси — 5 591 708 972 сўм, сотилиш баҳоси — 6 000 100 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -22.35
Topshirildi -23.00

E-mail:Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 915 13972 nusxada bosildi 2345